

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Тиб.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУМИНОВ МУРОД ДЖАВАДОВИЧ**

**ЎТКИР ТРАНЗИТОР ГИДРОЦЕФАЛИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИ КЛИНИКТАШХИСЛАШ АСПЕКТЛАРИ ВА ДАВО  
ТАКТИКАСИ**

**14.00.28-Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Муминов Мурад Джавадович**

Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган

Беморларни клиник таъхислаш аспектлари

ва даво тактикаси..... 3

**Муминов Мурад Джавадович**

Клинико-диагностические аспекты и тактика

лечения больных с острой транзиторной

формой гидроцефалии ..... 33

**Muminov Murod Djavadovich**

Clinical-diagnostic aspects and tactics of treatment

of patients with acute transient hydrocephalus ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 70

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023. Tib.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУМИНОВ МУРОД ДЖАВАДОВИЧ**

**ЎТКИР ТРАНЗИТОРГИДРОЦЕФАЛИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИ КЛИНИКТАШХИСЛАШ АСПЕКТЛАРИ ВА ДАВО  
ТАКТИКАСИ**

**14.00.28-Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib493 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.neuro.uz](http://www.neuro.uz)) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Кариев Гайрат Маратович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алиходжаева Гулнорахан Алаутдиновна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мирзабаев Марат Жумабекович**

тиббиёт фанлари доктори

(Қозоғистон Республикаси)

**Махкамов Махкам Козимович**

тиббиёт фанлари доктори, (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Абуали ибни Сино номидаги**

**Тожикистон тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.07.2023.Тиб.170.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумаюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22, e-mail: [admin@neuro.uz](mailto:admin@neuro.uz))

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумаюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.М. Кариев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.О. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашни  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Р.М. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## Кириш (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

### Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Касалликлар ва ўлим таркибидаги травматик бош мия шикастланиши (БМШ), ўткир цереброваскуляр касалликлар (ЎЦВК) каби ўткир нейрохирургик патология улушининг сезиларли даражада ошиши, вақтинчалик ва доимий ногиронлик давомийлиги унинг замонавий тиббиётнинг энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммосини тавсифлайди. 2021 йилда нашр этилган Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра "...мия қон айланишининг бузилишининг олдини олиш бўйича Жаҳон ҳисоботи"<sup>1</sup> беморлар сонининг барқарор ўсиши: бош мия шикастланишлари билан ёш ишчилар орасида ортиши билан беморлар сони барқарор ўсиш – 2% ҳар йили, ўткир қон томир касалликлари (фалаж) томонидан – 1,5% йиллик ўсиши, касалланишнинг "ёшириш" ҳақида гапириш учун асос берган. Бу факт интракраниал асоратларни ҳар хил турлари ва табиатининг ўсишидан бевосита далолат берди ва уларни эрта ташхислаш, ривожланиши олдини олишини ва даволашнинг усуллари излаш муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ўткир мия патологиясида мия тўқималарининг шикастланиш сабабларини эрта нейровизуализация ёрдамида диагностикаси масалаларини ҳал қилиш ва мия фалокатида консерватив ёки жарроҳлик ёндашувни танлаш мезонларини оптималлаштириш учун компьютер ва магнит-резонанс томография натижалари амалиётга кенг жорий этилишига сабаб бўлган, ҳамда клиник патоморфологик ва нейровизуализацияни тадқиқотлари асосида травматик мия касалликлари, паренхимал-қоринча қон қўйилиши, ишемик каскад хажмининг (пенумбра) ўта ноқулай курси ҳақидаги фикрни ўзгартирган. Ўткир транзитор гидроцефалия илк клиник неврологик белгилари аниқланиш, ноинвазив объектив баҳолаш усуллари ва нейровизуал диагностикаси оптималлаштириш, даволашни такомиллаштириш, ҳамда уни ривожланишини олдини олиш чораларини белгилаш кабилар ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ушбу касалликлардатиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, хусусан касалликнинг кала ичи асоратлари юқорилиги, айниқса ўткир гидроцефалия, уни транзитор шакли, тиббий муаммоларни касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига шошининч тиббий ёрдамни чуқур қайта ташкил этиш, Республика Соғлиқни Сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва Соғлиқни сақлашнинг халқаро стандартларига риоя қилиш мақсадида самарали ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгилаб олинган. Бу борада Республикаимизда "... шошининч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, шошининч тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашда юқори технологияли тадқиқот усуллари жорий этиш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш"<sup>2</sup>. Бу вазифалар диагностика ва

<sup>1</sup>WHO. World health statistics, 2020; WHO. World Report on Cerebrovascular Prevention, 2021.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони

ихтисослаштирилган нейрохирургик ёрдам даражасини замонавий жаҳон даражасига кўтариш учун айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 07 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида", 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"; 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлиги хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида", 2022 йил 16 июн ПҚ-283-сон "Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида, 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-158-сон "Ўзбекистон-2030" тўғрисидаги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада бажаришга хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти "Тиббиёт ва фармакология- VI" Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналиш талабларига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup> Марказий асаб тизимининг шикастланишларида ўткир гидроцефалия диагностикаси ва даволаш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлири, жумладан: Wyckoff Heights Medical Center, (Бруклин, АҚШ); Stroke and Intensive Care Unit, Clinical Department of Neurology, Sveti Duh University Hospital, (Zagreb, Хорватия); Jilin University, Department of Neurosurgery (Changchun, Хитой); All India Institute of Medical Sciences (New Delly, Ҳиндистон); Department of Neurological Surgery, Washington University School of Medicine, (St. Louis, МО, АҚШ), Department of Neurosurgery, (Swedish Medical Center, Seattle, АҚШ), Department of Neurology, Memorial Sloan-Kettering Cancer Center, (New York, АҚШ), Department of Neurosurgery, Shuto General Hospital, (Yamaguchi, Япония); Washington University (St. Louis, АҚШ); Near East University, Department of Neurology, (Nicosia, Кипр), Академик Н.Бурденко номидаги Миллий тиббий нейрохирургия илмий-тадқиқот маркази (Россия), проф. А.Поленов номидаги Россия илмий-тадқиқот нейрохирургия институти (Россия), Н.Склифосовский номидаги Москва шаҳар тез тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Россия), Санкт-Петербург И.Жанелидзе номидаги тез тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Россия), Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.tiensmed.ru/news/gidrocefalia-ab1.html#pod6>, <https://www.who.int>, <https://www.wfns.org>, [www.medical-diss.com](http://www.medical-diss.com), [www.eLIBRARY.RU](http://www.eLIBRARY.RU), [www.PubMed](http://www.PubMed), [www.cdc.gov](http://www.cdc.gov), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.wfnepvology.org](http://www.wfnepvology.org), [www.medicine.utoronto.ca](http://www.medicine.utoronto.ca), [www.wfns.com](http://www.wfns.com), [www.rigshospitalet.dk](http://www.rigshospitalet.dk), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.cochranlibrary.com](http://www.cochranlibrary.com), [www.nsi.ru](http://www.nsi.ru), [www.rsl.ru](http://www.rsl.ru), [www.biomedcentral.com](http://www.biomedcentral.com), [www.tma.uz](http://www.tma.uz), [www.neurosurgery-online.com](http://www.neurosurgery-online.com); [www.neurology.ru](http://www.neurology.ru); [www.journals.elsevier.com/world-neurosurgery-x](http://www.journals.elsevier.com/world-neurosurgery-x); [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Неврологик касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари, нейровизуал, ноинвазив диагностика ва даволаш усуллари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: (Неврологик жарроҳлик бўлими, Вашингтон университети тиббиёт мактаби, Сент-Луис, МО, (АҚШ): травмтик ва травматик бўлмаган мия шикастланиши билан касалланган беморларда гидроцефалик синдромни шакллантиришда мия омурилик суюқлиги динамикаси бузилишларининг табиати аниқланган ва шу билан боғлиқ ҳолда ўткир гидроцефалиянинг шаклланиши баҳолланган (тиббиёт мактаби, Осижек Жосип Жураж Строссмаер университети, Осижек, (Хорватия) Гейделберг университети касалхонаси, (Германия)).

Ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишида интракраниал гипертензияни тузатиш мезонларини эрта ташхислаш ва танлаш масалалари аниқланган (И.Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург шошилинич тиббиёт илмий-тадқиқот институти (Россия)). Ҳозирги вақтда травматик ва травматик бўлмаган мия фалокатида интракраниал гипертензияни инвазив бўлмаган аниқлашнинг турли усуллари мавжуд – интракраниал босимни динамик мониторинг қилиш зарурати исботланган (нейрохирургия бўлими, (Changchun, Jilin, Хитой)). Интракраниал гипертензияни жарроҳлик тузатиш кўрсаткичларини аниқлашда ўткир гидроцефалия нейровизуал диагностикасининг самарадорлиги исботланган (Шуто умумий касалхонаси, нейрохирургия бўлими, (Yamaguchi, Япония); бутун Ҳиндистон тиббиёт фанлари институти (Ню-Дехли, Ҳиндистон); Н. Склифосовский номидаги Москва шаҳар шошилинич тиббиёт илмий-тадқиқот институти (Россия)). Ўткир гидроцефалия хавфини камайтириш ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш муаммолари келтирилган (Халқаро неврология институти (ХНИ) Ганновер, (Германия); академик Н.Бурденко номидаги нейрохирургия Миллий тиббий тадқиқот маркази. Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон)).

Дунёда марказий асаб тизимининг ўткир патологиясида интракраниал асоратларни эрта ташхислаш ноинвазив ва нейровизуал диагностикаси усуллари такомиллаштириш, ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишининг оптимал терапевтик тактикасини танлаш бўйича кенг кўламли жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қатор тадқиқотлар қуйидаги устувор йўналишларга бағишланган, ўткир гидроцефалия ривожланишида орқа мия суюқлиги бузилишларини ноинвазив, нейровизуал тадқиқотлари; травматик ва травматик бўлмаган этиологияли ўткир транзитор гидроцефалиянинг белгилари бўлган беморларда интракраниал гипертензия мониторингининг ролини асослаш, шунингдек, ўткир гидроцефалия белгиларини такомиллаштириш ва ҳар бир бемор учун индивидуал ёндашув билан юқори технологияли даволаш усулларидадан фойдаланган ҳолда уни тузатиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда, ўткир цереброваскуляар халокатларида геморрагик ёки ишемик шакллари фониди, бош мия травматик шикастланиши билан оғриган беморларнинг юқори ўлими ва ногиронлиги (ҳар йили 1,5 млн., ўлган, ногиронлик 3 миллионга

етган) 40-85% ҳолларда фалокат пайтидан бошлаб 2-10 кун ичида ривожланадиган иккиламчи мия шикастланиши билан боғлиқ (Асадуллаев М.М., 2015).

Ўткир гидроцефалия муаммоси этиологик омилга, ўткир мия нейрохирургик патологиясининг натижасини башорат қилиш муаммоларига, ўткир гидроцефалия ривожланишида "гидроцефалик" интракраниал гипертензиянинг олдини олишга концептуал ёндашувга қараб унинг ривожланиш частотасига бағишланган илмий мақолаларда аниқ исботланмаган (Замышляев П.С., 2015; Лихтерман Л.Б., 2016; Sheng Chen, 2017). Бош мия шикастланишларида ёки фалаж билан оғриган беморларни ихтисослаштирилган нейрохирургик шифохоналарда текшириш натижалари ҳар тўртинчи беморда гипертензион-гидроцефал синдроми аниқланган (Хачатрян В.А., 2012; Chihiro Moritaka, 2016; Латышев А.Я., 2018; Li, Guichen M.D., 2020). Гидроцефалиянинг ўткир транзитор шакли клиник кўриниши ва диагностикаси жуда қийин, чунки биринчи навбатда асосий касаллик белгилари мавжуд бўлиб, гидроцефалия сабаби бўлган кала ичи босимнинг ошиши синдромини яширишганида, бу эса ушбу тоифадаги беморларнинг етарли даражада эмас даволанишига олиб келган (Lusis, Eriks&Vellimana, 2013; Brean A., 2014; Пилипенко Д.В., 2016; Jergovic Pija&Budincevic., 2016).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва турларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли ислохотлар (Салаев А.Б., 2022) амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида юқори сифатли, юқори технологияли нейрохирургик ёрдам кўрсатишда (Махкамов М.К., 2018) ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, Соғлиқни Сақлаш тизимида амалга оширилаётган мақсадли ислохотлар, жумладан, нейрохирургия, қатор вазифалар ва муаммолар ҳал этилишини кутмоқда (Хаджибаев А.М., 2021). Клиник ва неврологик кўринишларга оид маълумотларнинг етишмаслиги, ўткир транзитор гидроцефалиянинг патофизиологияси ва ундаги декомпенсация ривожланишининг патогенетик механизмлари ҳақида етарли маълумот йўқлиги, мавжуд, илмий нуқтаи назардан келтириб, даволаш усулларининг паст самарадорлигини чиқариши, ушбу тоифадаги беморлар учун диагностика мезонлари ва даволаш тактикасини оқилона ўрганиш ва янги усулларни излаш учун асос яратган (Махкамов К.Э., 2021).

Дунёда, ўткир транзитор гидроцефалия нейрохирургиянинг озгина ўрганилган долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда, бу эса диққат ва қўшимча ўрганишни талаб қилган (Ноу, Kun& Zhu., 2017). Амалий аҳамияти, қизиқиши ва етарли даволаш усуллари тўпламини, шу жумладан клиник ва неврологик текширувдан ташқари, мия омурилик суюқлиги айланишининг бузилишини, миқдори ва сифатли баҳолаш усуллари, компенсация вақтини пайдо бўлиши учун асосий механизмларини аниқлаш ва ўткир транзитор гидроцефалияда кала ичи босимининг ошишини билан мураккаблашган ўткир мия фалокатларида мутахассисларни излашга ундаган.

**Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг №02.2020 DSc.064 ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 2020-2025 йй. илмий-тадқиқот режа ишлари "Бухоро вилоятининг иссиқ иқлим шароитида организмнинг патологик ва патологик ҳолатларидан олдинги ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш" мавзуси дойрасида, "Янги ишланмалар ва технологиялар яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш" ва "Ўзбекистон Республиканинг 2022-2026 йилларга мулжалланган инновацион ривожланиш стратегияси" илмий – тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** травматик ва травматик бўлмаган этиологияли ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни унинг турига, вақтига ва сабабларига қараб диагностик алгоритми, тактикаси ва оптимал даволаш усуллари ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

шошилич нейрохирургия хизматида ўткир транзитор гидроцефалия частотасини акс эттириш;

травматик ва травматик бўлмаган этиологияли ўткир транзитор гидроцефалиянинг клиник ва неврологик хусусиятлари кўринишини аниқлаш;

ўткир транзитор гидроцефалияни ривожлантиришда гидроцефалик кала ичи босимининг ошиши синдромининг диагностик мезонларини аниқлаш;

ўткир нейрохирургик патологияда ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишининг патогенетик механизмларини тизимлаштириш;

травматик ва травматик бўлмаган генезли ўткир транзитор гидроцефалияда прогрессив гидроцефалик кала ичи босими ошиш синдроми билан бўлган беморларни оптимал даволаш тактикасининг диагностик алгоритминини ва мезонларини ишлаб чиқиш;

травматик ва травматик бўлмаган этиологияли ўткир транзитор гидроцефалияни даволашнинг олинган тезкор натижаларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 2019-2022 йилларга мўлжалланган амалий материалларидан фойдаланилган. Амалий материал 228 нафар беморларда ўткир транзитор гидроцефалия белгилари бўлган ва бирламчи касалликларни (ўрта оғир ва оғир бош мия шикастланишлари ва фалаж (инсулт)) мураккаблашган: травматик этиологияли - 136 нафар ва мия қон айланишининг ўткир бузилиши (травматик бўлмаган) - 92 нафар бемор танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тадқиқот травматик мия шикастланиши ва ўткир қон томир айланишнинг бузилишларида ўткир транзитор гидроцефалияни кечиши ва клиник ташхислаш жихатлари бўйича, уни эрта аниқлаш самарадорлига қаратилган тизимли аналитик таҳлил асосида мажмуи баҳолаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Беморларни кузатиш ва даволаш даврида умумий мия ва фокал симптомларни ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли клиник ва неврологик текширув ўтказилган. Беморларга стандарт анъанавий лаборатория текширувлари ўтказилган. Инструментал тадқиқот усуллари киритилган: стандарт рентгенологик (бош мия шикастланишларда), эхоэнцефалография текширувлари. Компютер ва магнит-резонанс томография, ҳамда кала ичи босимининг инвазив ва ноинвазив мониторинги билан усулларида фойдаланб олинган натижалар маълумотлари кўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, ўткир транзитор гидроцефалиянинг неврологик предикторлари (циклик уйғониши, фокал, менингеал белгилари ва патологик аломатлари) ва орқа мия суюқлиги тизимида ўзгаришлар статистик аналитик МакНемар ва рамзий даражаларнинг динамик Вилкоксон мезонлар билан баҳолаш асосида ўртасидаги корреляцияси борлиги исботланган;

ўткир транзитор гидроцефалиянинг эрта ташхислаш ноинвазив нейровизуал мониторинги ёрдамида интракраниал босим коэффициентини Кохран ва рамзий Фридман мезонлари бўйича аниқлаш асосида исботланган;

орқа мия суюқлиги айланишининг динамик дисфункцияси ўткир транзитор гидроцефалиянинг тизимлаштирилган неврологик ва нейровизуал аспектлар асосида исботланган;

илк бор ўткир нейрохирургик патологиянинг табиатини ҳисобга олган ҳолда ўткир транзитор гидроцефалиянинг ривожланиш жараёнида орқа мия суюқлиги ишлаб чиқарувчи (вентрикуломегалия) ва орқа мия суюқлиги айланувчи (субарахноидал бўшлиқ) тизимларда ўзгаришлар ўрганилган;

интракраниал босим коэффициентини, ноинвазив нейровизуал мониторинг усули билан ҳисоблаб, консерватив ёки жарроҳлик (орқа мия суюқлиги тизимида, патологик ўчоқ соҳасида ёки уларнинг комбинациясида) ўткир транзитор шакли гидроцефалияни даволаш тактикасини белгилашини исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишининг частотаси ва вақтли ўтказилган диагностик клиник ва неврологик тадқиқотлар туфайли ишлаб чиқилган диагностик алгоритми ва даволаш тактикаси мия нейрохирургик патологиясининг натижасини башорат қилиш ва ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланишининг олдини олишга комплекс ёндашув имконини берган;

олинган янги материаллар ёрдамида ўткир транзитор гидроцефалияда гипертензия ривожланишининг характерли клиник ва неврологик башоратчиларини шаклланиш жараёнини ва унинг ривожланиш омилига қараб сезиларли фарқлар мавжудлигини тавсифлаш имконини берган;

субкомпенсацияланган гипертензия синдромининг, ҳам травматик, ҳам травматик бўлмаган генезли ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланиши билан декомпенсация босқичига ўтиш эҳтимоли-гипертензия синдроми

бундай ҳолларда характерли клиник белгилар шаклланиши билан қайд этилган;

неврологик етишмовчиликнинг табиати, гидроцефал синдромини даражасини баҳолаш асосида диагностик алгоритмини, даволаш тактикаси ва ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишини башорат қилишга имкон берганва натижаларини оптималлаштириш туфайли, неврологик асоратларнинг частотаси, беморларнинг ногиронлиги ва шунга мос равишда ўткир нейрохирургик патологияда ўлим даражаси сезиларли даражада камайтирилган;

нейрохирургик патологияда гидроцефалия ўткир транзитор шаклини ривожланишида тиббий-ижтимоий соҳага етказилган ҳисобланган иқтисодий зарар ушбу илмий тадқиқот давомида олинган натижаларни амалий соғлиқни сақлашга жорий этиш билан сезиларли даражада камайган.

**Тадқиқотнинг натижаларини ишончлилиги:** объектив, клиник-неврологик аспектлари, ташхислаш (кала ичи босимини ноинвазив, невровизуал ва инвазив мониторинг усуллар ёрдамида) маълумотлари, уларнинг тизимли аналитик баҳолаш асосида ва статистик таҳлили билан асосланади.

#### **Тадқиқотнинг натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, калла ичи гипертензияни инвазив бўлмаган, невровизуал ва инвазив мониторинг қилиш протоколларини ишлаб чиқиш ва уларни ўткир транзитор гидроцефалияни диагностикасида қўллаш, клиник ва неврологик аспектларни шакллантириш бўйича, назарий билимларнинг яхшиланиши, сўнгра оптимал консерватив ва жарроҳлик даволаш тактикасини ҳажмининг аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қўйилган вазифаларни клиник, неврологик, параклиник текширувларва интракраниал босимнинг невровизуал ноинвазив мониторинги маълумотларини ҳисобга олган ҳолда ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган ўткир нейрохирургик патологияларда: бош мия травматик шикастланиши, ўткир цереброваскуляр касалликлар каби беморларда ҳал қилганида, нейрохирургик даволаш натижалари яхшилангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг натижаларини жорий қилиниши.** Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 4 апрелдаги 6-сонли ва ч/р 02-6/239 сонли хулосаларга биноан:

**биринчи илмий янгилик:** илк бор, ўткир транзитор гидроцефалиянинг неврологик предикторлари (циклик уйғониши, фокал, менингеал белгилари ва патологик аломатлари) ва орқа мия суюқлиги тизимида ўзгаришлар статистик аналитик МакНемар ва рамзий даражаларнинг динамик Вилкоксон мезонлари билан баҳолаш асосида ўртасидаги корреляцияси борлиги исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** статистик маълумотлари травматик мия шикастланиши ва фалаж фонида ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланишининг характерли эрта клиник ва неврологик аспектлари мавжудлигини кўрсатган. **Илмий янгиликни амалиётга жорий**

*қилиниши:* Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (09.08.2023, 65-сон буйрук), Қорақалпоғистон филиали (15.12.2023, 107-сон буйрук), Қашқадарё филиали (29.02.2024, 33-1-сон буйрук), Фарғона филиали (24.02.2024, 41-сон буйрук) шошилич нейрохирургия бўлим фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган бош мия шикастланиши ёки фалаж фонида клиник-неврологик белгилари бўлган беморларни даволаш учун консерватив ёки жарроҳлик тактикасига кейинги ёндашувни олдиндан белгилаш орқали самарадорлигини оширишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, травматик ва нотравматик этиологияли ўткир транзитор гидроцефалия ташхисда эрта аниқланган клиник-неврологик белгилари молиявий ортиқча сарф харажатлар талаб қилмайдиган ҳисобига олиб иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* беморларда ўткир ўтувчи транзитор гидроцефалия ривожланиш белгиларини эрта ташхислаш пайтида, бош мия шикастланишларда даволаниш ўрин-қунини 21-14 кундан 18-10 кунгача қисқариши ва бош мия қон айланишининг бузилишлар фонида даволаниш ўрин-қунини 21-14 кундан 17-9 кунгача қисқариши туфайли кунига сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш имконини берган ва шифохонадаги ҳар бир даволанган бемор учун харажатларни  $4197000 \pm 568000$  сўмга камайтиришга имкон берган (РШТЁИМ филиалларида прејскурант бўйича 1 ўрин-кун ўртача 279000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 32900 сўм умумий нейрохирургик/неврологик палатадаги ва 1 кунда дори-дармон харажатлари 1120000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 142000 сўм нейрохирургик/неврологик палата ётоқларда 2023 йилда ташкил этган).

Муминов Мурод Джавадовичнинг “Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни клиник-ташхислаш аспектлари ва даво тактикаси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август ойидаги 02н-з/3-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

***иккинчи илмий янгилик:*** *илмий янгиликнинг моҳияти:* ўткир транзитор гидроцефалиянинг эрта ташхислаш ноинвазив нейровизуал мониторинги ёрдамида интракраниал босим коэффициентини Кохран ва рамзий Фридман мезонлари бўйича аниқлаш асосида исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* статистик маълумотлар травматик мия шикастланиши ва фалаж фонида ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланишининг характерли аниқ ноинвазив параклиник ва нейровизуал ташхислаш жиҳатлари мавжудлигини кўрсатган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (09.08.2023, 65-сон буйрук), Қорақалпоғистон филиали (15.12.2023, 107-сон буйрук), Қашқадарё филиали (29.02.2024, 33-1-сон буйрук), Фарғона филиали (24.02.2024, 41-сон буйрук) шошилич нейрохирургия бўлим фаолиятига

жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган бош мия шикастланиши ёки фалаж бўлган беморларни ноинвазив параклиник ва нейровизуал кала ичи гипертензия аспекти токомиллаштирганида даволаш учун консерватив ёки жарроҳлик тактикасига кейинги ёндашувни олдиндан белгилаш орқали самарадорлигини оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, травматик этиологияли ўткир транзитор гидроцефалия ташхисида эрта аниқланган ноинвазив параклиник ва нейровизуал кала ичи гипертензия белгилари молиявий ортиқча сарф харажатлар талаб қилмайдиган ҳисобига олиб иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* беморларда ўткир ўтувчи транзитор гидроцефалия ривожланиш белгиларини эрта ташхислаш пайтида, бош мия шикастланишларда даволаниш ўрин-қунини 21-14 кундан 18-10 кунгача қисқариши ва бош мия қон айланишининг бузилишлар фонида даволаниш ўрин-қунини 21-14 кундан 17-9 кунгача қисқариши туфайли кунига сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш имконини берган ва шифохонадаги ҳар бир даволанган бемор учун харажатларни  $4197000 \pm 568000$  сўмга камайтиришга имкон берган (РШТЁИМ филиалларида прејскурант бўйича 1 ўрин-кун ўртача 279000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 32900 сўм умумий нейрохирургик/неврологик палатадаги ва 1 кунда дори-дармон харажатлари 1120000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 142000 сўм нейрохирургик/неврологик палата ётоқларда 2023 йилда ташкил этган).

Муминов Мурод Джавадовичнинг “Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни клиник-ташхислаш аспекти ва даво тактикаси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август ойдаги 02н-з/3-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

**учинчи илмий янгилик:** *илмий янгиликнинг моҳияти:* орқа мия суюқлиги айланишининг динамик дисфункцияси ўткир транзитор гидроцефалиянинг тизимлаштирилган неврологик ва нейровизуал аспекти асосида исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* статистик маълумотлари ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланишининг тизимлаштирилган неврологик ва нейровизуал аспекти асосида орқа мия суюқлиги айланишининг динамик дисфункцияси мавжудлиги кўрсатган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (09.08.2023, 65-сон буйруқ), Қорақалпоғистон филиали (15.12.2023, 107-сон буйруқ), Қашқадарё филиали (29.02.2024, 33-1-сон буйруқ), Фарғона филиали (24.02.2024, 41-сон буйруқ) шошилич нейрохирургия бўлимлари фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган бош мия шикастланиши ёки фалаж бўлган беморларда тизимлаштирилган клиник-неврологик ва нейровизуал аспектига асосланиб, консерватив ёки жарроҳлик усули танлаш орқали

орқа мия суюқлиги айланишининг динамик дисфункцияси бартараф этилган ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, ўткир транзитор гидроцефалия ташхисида тизимлаштирилган клиник-диагностик аспектлари эрта аниқланганида кўшимча юқори технологияли диагностика усулларидан фойдаланишни камайтириш орқали ва даволаниш муддатини қисқартириш билан ортиқча молиявий харажатларни тежашга эришилди. *Хулоса:* беморларда ўткир транзитор гидроцефалия ривожланиш белгиларини эрта ташхислашда текшириш усулларни камайиши туфайли текширишларга сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш имконини берган ва шифохонадаги ҳар бир текшириш усул учун харажатларни камайтирди.

Муминов Мурод Джавадовичнинг “Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни клиник-ташхислаш аспектлари ва даво тактикаси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август ойидаги 02н-з/3-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

**тўртинчи илмий янгилик:** *илмий янгиликнинг моҳияти:* илк бор ўткир нейрохирургик патологиянинг табиатини ҳисобга олган ҳолда ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланиш жараёнида орқа мия суюқлиги ишлаб чиқарувчи (вентрикуломегалия) ва орқа мия суюқлиги айланувчи (субарахноидал бўшлиқ) тизимларда ўзгаришлар ўрганилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тизимлаштирилган клиник-диагностик аспектлар асосида ўткир транзитор гидроцефалияни ривожланиш жараёнида орқа мия суюқлиги ишлаб чиқарувчи ва айланувчи тизимларда ўзгаришлар нейрохирургик патологиянинг табиатини ҳисобга олган ҳолда илк бор аниқланди. *Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (09.08.2023, 65-сон буйруқ), Қорақалпоғистон филиали (15.12.2023, 107-сон буйруқ), Қашқадарё филиали (29.02.2024, 33-1-сон буйруқ), Фарғона филиали (24.02.2024, 41-сон буйруқ) шошилич нейрохирургия бўлимлари фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, орқа мия суюқлиги ишлаб чиқариш ва айланиш тизимидаги аниқланган характерли ўзгаришлар ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган нейрохирургик патологияда калла ичи гипертензияни даволашда консерватив ёки жарроҳлик ёндашувни аниқлаш самарадорлигини оширди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, нейрохирургик патологияда ўткир транзитор гидроцефалия ривожланганида орқа мия суюқлиги ишлаб чиқариш ва айланиш тизимидаги аниқланган характерли ўзгаришларни ҳисобга олиб калла ичи гипертензиясини консерватив ёки жарроҳлик даволаш усуллар ёндашувида молиявий ортиқча сарф харажатлар камайишига эришилди. *Хулоса:* беморларда ўткир ўтувчи транзитор гидроцефалия ривожланиш белгиларини эрта ташхисланганда даволаш кунларини 3-5 кунга камайтириш

туфайли сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш имконини берган ва шифохонадаги ҳар бир даволанган бемор учун харажатларни 4581732±3054488 сўмга камайтиришга имкон берган (РШТЁИМ филиалларида прејскурант бўйича 1 даволаниш кун ўртача 279000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 29144 сўм умумий палатадаги ва 1 кунда дори-дармон харажатлари 1120000 сўм нейрореанимация бўлимида ва 99100 сўм умумий палата ётоқларда 2023 йилда ташкил этган).

Мурод Джавадович Муминовнинг “Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни клиник-ташхислаш аспекти ва даво тактикаси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август ойдаги 02н-з/3-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

**бешинчи илмий янгилик:** *илмий янгиликнинг моҳияти:* интракраниал босим коэффициентини, ноинвазив нейровизуал мониторинг усули билан ҳисоблаб, консерватив ёки жарроҳлик (орқа мия суюқлиги тизимида, патологик ўчоқ соҳасида ёки уларнинг комбинациясида) ўткир транзитор шакли гидроцефалияни даволаш тактикасини белгилашини исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ноинвазив нейровизуал мониторинг усули билан ишлаб чиқилган кала ичи босими коэффициентини аниқлаш математик формула ёрдамида ўткир транзитор шакли гидроцефалия ривожланишида аниқланган характерли орқа мия суюқлиги ишлаб чиқариш ва айланиш тизимидаги ўзгаришларни даволаш тактикаси: консерватив ёки жарроҳлик (орқа мия суюқлиги тизимида, патологик ўчоқ соҳасида ёки уларнинг комбинациясида) усулларини аниқлади. *Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши:* Республика шопилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (09.08.2023, 65-сон буйруқ), Қорақалпоғистон филиали (15.12.2023, 107-сон буйруқ), Қашқадарё филиали (29.02.2024, 33-1-сон буйруқ), Фарғона филиали (24.02.2024, 41-сон буйруқ) шопилинч нейрохирургия бўлимлари фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, тадқиқот натижаларини амалга ошириш бош мия шикастланиш ва бош мия ўткир қон айланиш бузилиш фонида ўткир транзитор гидроцефалия ривожланишининг дастлабки босқичларида компьютер дастури математик модел орқали кала ичи гипертензия белгиларини аниқлаш имконини берган. Ўткир транзитор гидроцефалия билан мураккаблашган бош мия шикастланиши ва фалаж бўлган беморларни даволаш учун консерватив ёки жарроҳлик тактикасига кейинги ёндашувни олдиндан белгилаш касалликнинг натижаларини яхшилашга ва стационар шароитда терапия давомийлигини қисқартириш орқали даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* шундан иборатки, травматик ва нотравматик этиологияли ўткир транзитор гидроцефалия ташхисида гидроцефалли гипертензион синдроми белгиларини математик ҳисоблаш қўшимча юқори технологияли диагностика усулларида фойдаланишни талаб қилмаган ва ташхисни

нафақат нейрохирург, балки рентген-радиолог, невролог, нейрореаниматолог томонидан шакллантириш мумкин, шунингдек, махсус янги кадрлар, малака оширган шифокорларнинг тайёрлаш учун кераги йўқлиги исботланиб молиявий ортиқча сарф харажатлар талаб қилмайдиган ҳисобига олиб иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* беморларда бош мия шикастланишлар ва фалаж фонида ўткир транзитор гидроцефалия ривожланиш ноинвазив параклиник ва нейровизуал белгиларини эрта ташхислашни кам мутахассисларни жалб қилиниши туфайли сарфланадиган бюджет маблағларини тежаш имконини берган ва шифохонадаги ишлаб турган мутахассислар учун харажатларни  $1132000 \pm 283000$  сўмга камайтиришга имкон берган (РШТЎИМ филиалларида прејскурант бўйича ўртача мутахассисни бир кунлик ойлик маоши 283000 сўм 2023 йилда ташкил этган).

Муминов Мурод Джавадовичнинг “Ўткир транзитор гидроцефалия билан касалланган беморларни клиник-ташхислаш аспекти ва даво тактикаси мавзусида илмий янгиликларни бошқа Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август ойидаги 02н-з/3-сон хулосаси билан тадбиқ этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 8та илмий-амалий конференцияларда: 3та халқаро ва 5та Республика миқёсидаги анжуманлар ва конгрессларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзу бўйича жами 47та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15та мақола, жумладан, 7таси Республика ва 8таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва кўлами.** Диссертация таркибида кириш, 6 боб, хулоса, амалий тавсиялар, қўшимчалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 172 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий иш мавзусининг актуаллиги ва муҳимлиги асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шаклланган. Илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишлари билан мувофиқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим қилинган. Олинган илмий иш натижаларининг назарий ва илмий аҳамияти ёритилган, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ қилиниши, нашр этилиши ва диссертация тузилишига доир маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг "**Ўткир транзитор гидроцефалия: муаммонинг ҳозирги ҳолати (адабиёт шарҳи)**" деб номланган биринчи бобида, ўткир транзитор гидроцефалия асорат сифатида ривожланиши билан тавсифланган бош мия жароҳатлари (БМЖ), фалажлар каби муаммоларнинг тиббий, ижтимоий ва амалий аҳамиятини акс эттирувчи адабий манбалардан олинган маълумотлар таҳлили келтирилган. Гидроцефалия синдромини шакллантиришда патогенезнинг замонавий масалалари ва жиҳатлари айтиб ўтилган. Гидроцефалия, унинг ўткир транзитор шаклида клиник кўринишларнинг шаклланиши масалалари муҳокама қилинган. Гидроцефалия таърифи ва ҳолати, айниқса унинг ўткир транзитор шакли тасвирланган. Ўткир транзитор гидроцефалия (ЎТГ) диагностикасида ноинвазив, шу жумладан нейровизуал мониторинги масалаларининг ҳозирги ҳолати келтирилган. Гидроцефалия синдромини инвазив кузатув (мониторинг) қилиш ва жарроҳлик йўли билан тузатиш пайтида ўткир транзитор гидроцефалияни шакллантиришда мунозарали масалалар мавжуд бўлиб, улар кейинги илмий ишланмаларни белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида - "**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**", тадқиқот объектининг хусусиятлари ва диагностика усуллари тақдим этган, улар асосида қўйилган вазифалар ҳал қилинди. Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали базасида бажарилган.


Оддий, очиқ ёрликли, клиник назорат остида, рандомизацияланган синов ўтказилди. 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда гидроцефалия, унинг ўткир транзитор шакли, 228 нафар беморлар иштирокида (ўрта ва оғир травматик бош мия шикастланиши (БМШ=136(59,6%)) ва ўткир мия қон айланишининг бузилиши (фалаж=92(40,4%))) клиник ва неврологик текширувнинг истикболли таҳлили, ҳамда асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш ва даволаш усуллари натижалари, касаллик пайтида ўткир белгилар ривожланиши билан мураккаблашган. (ХКК-10 коди - G91.8; ХКК-11 коди: 8D64.0Y-8D64.1Y). Беморларнинг ўртача ёши  $47,15 \pm 16,95$ ни ташкил этди (18 ёшдан 84 ёшгача). Жинсий мансублик бўйича эркаклар устунлик қилган - 174(74,1%) ва аёллар - 54 нафар бемор (25,9%) ( $p < 0.01$ ).

ЎТГнинг диагностикаси клиник ва неврологик объектив текширув асосида ташкил этилган; параклиник: 1) инструментал бўлмаган: офталмологик, отоскопик; 2) асбоб-ускуналар ёрдамида: а) инвазив бўлмаган: рентген, Эхо-ЭС; б) нейровизуал: КТ, МРТ; в) инвазив мониторинг тиббий диагностика (хавф омиллари ва ўткир гидроцефалия ривожланиш вақтини аниқлаш учун махсус сўровнома тайёрлаш); кала ичи босимини ошиши визуализация қилиш ва нейровизуализация ёрдамида аниқлаш, шунингдек параклиник белгилар комбинацияси ва ўткир транзитор гидроцефалияда кала ичи гипертензияни инвазив кузатиш.


Тадқиқотни объективлаштириш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1 – асосий гуруҳ - 119 (52,1%) нафар беморлар: травматик - 77 нафар (64,7%), травматик бўлмаган - 42 нафар (35,3%) этиологияли, прогрессив "гидроцефалик" интракраниал гипертензия ва ўткир транзитор гидроцефалия

ривожланиши билан интракраниал босимнинг (ИКБ) нейровизуал мониторинги ва кўрсаткичлари асосида даволанган (1 расм).

2 – назорат гуруҳи - 109(47,8%) нафар беморлар: травматик - 59(54,1%) ва нотравматик - 50(45,9%) ва ўткир транзитор гидроцефалия ривожланиши билан прогрессив "гидроцефалик" интракраниал гипертензияда КИБнинг нейровизуал мониторингни кўрсаткичларини ҳисобга олмаган ҳолда даволанган (2 расм).




**1 расм. Асосий гуруҳдаги ЎТГ билан оғриган беморлар хусусиятлари  
(n=119)  
( $\chi^2 = 10,294$ ;  $p = 0,001$ )**



**2 расм. Назорат гуруҳдаги ЎТГ билан оғриган беморлар хусусиятлари  
(n=109)  
( $\chi^2 = 7,643; p = 0,01$ )**

Беморлар мия тузилмалари зарарланган жойига ва маҳаллийлаштиришга қараб тарқатилди, яъни: конвекситал – 117(51,3%): 75(55,15%) БМЖларда ва 42(45,65%) нафар фалажларда; конвекситал-базал – 58(25,4%): 44(32,35%) БМЖларда ва 14(15,22%) нафар фалажларда ва базал (жумладан интравентрикуляр ва бош суяги орқа чуқурчасида жойлашган) – 53(23,3%): 17(12,50%) БМЖларда ва 36(39,13%) нафар фалаж бўлган беморларда учраган ( $\chi^2=76,816; p=0,010$ ) (3 расм).

Травматик этиологияли ЎТГ билан оғриган беморлар шикастланишнинг табиатига қараб қуйидагича тақсимланган: эпидурал гематома – 24(17,7%): 1-гуруҳда (n=77(56,61%)) - 13(9,6%) ва 11(8,1%) бемор 2-да (n=59(43,39%)); субдурал гематома – 28(20,6%): 1-гуруҳда - 16(11,8%) ва 12(8,8%) бемор 2-да; мия контузияси (лат ёйиши) – 67(49,3%): 1-гуруҳда - 42(30,9%) ва 25(18,4%) нафар бемор 2-гуруҳда; субарахноидал бўшлиғига қон қўйилиши, шу жумладан интравентрикуляр 17(12,5%) нафар: 1-гуруҳда - 9 (6,6%) ва 8(5,9%) 2-гуруҳда беморлар кузатилган ( $\chi^2=45,235; p=0,010$ ).



**3 расм. ЎТГ билан оғриган беморларнинг бирламчи шикастланиш жойига қараб тақсимланиши ( $\chi^2=76,816$ ;  $p=0,010$ )**

Травматик бўлмаган этиологияли ЎТГ билан оғриган беморлар шикастланишнинг табиатига қараб қўйдагича тақсимланган: - фалажни геморагик тури бўйича: паренхимал-субарахноидал – 55 (59,8%) қон қўйилиши кузатилган: 1-гурухда ( $n=42(45,7\%)$ ) - 24(57,1%) ва 31(62,0%) нафар бемор 2-гурухда ( $n=50(54,95\%)$ ) кузатилган; паренхимал-қоринчалар ичида – 15(16,3%): 1-гурухда - 8(19,0%) ва 7(14,0%) нафар бемор 2-гурухда кузатилган; субарахноидал-қоринчалар ичига қон қўйилиши – 6(6,5%) нафар: 1-гурухда - 3(7,1%) ва 3(6,0%) нафар беморларга 2-гурухда кузатилган. Фалажнинг ишемик тури – 16(17,4%): конвекситал - 5(11,9%); базал - 2(4,8%) 1-гурух дава конвекситал - 6(12,0%), базал - 3(6,0%) нафар беморларга 2-гурухда кузатилган ( $\chi^2=62,000$ ;  $p=0,010$ ) (1 жадвал).




Тадқиқотнинг ёш жиҳати ЖССТ таснифига мувофиқ берилган: 0-18 ёшли -болалар ёши (тадқиқотга киритилмаган); ёш (18-29 ёш): 1-гурухда-25 (10,9%); 2-гурухда-28(12,3%); ўртача ёш (30-44 ёш): 1-гурухда - 24 (10,5%); 2 - гурухда-18(7,9%); ўртача катта ёши (45-59 ёш): 1-гурухда-41 (18,0%); 2-гурухда-36(15,8%); қариялар ёш (60-79 ёш ва ундан катта): 1-гурухда-29(12,8%); 2-гурухда- 27(11,8%) нафар беморлар кузатилган ( $\chi^2=11,263$ ;  $p=0,010$ ).

ЎТГ билан оғриган беморларни бирламчи шикастланиш жойига ва жинсига қараб тақсимлаш

Шикастланиш жойлашгани	Конвекситал / конвекситал-базал						Базал			Жами		p
	Справа			Слева			мут	M(%±m)	p	мут	M(%±m)	
	мут	M(%±m)	p	мут	M(%±m)	p						
Эркаклар	73	32,02±3,09	$\chi^2=29,568$ p=0,000	66	28,95±3,00	$\chi^2=30,488$ p=0,000	35	15,35±2,39	$\chi^2=5,667$ p=0,017	174	76,32±2,82	$\chi^2=63,158$ p=0,000
Аёллар	20	8,77±1,87		16	7,02±1,69		18	7,89±1,79		54	23,68±2,82	
P	Пирсон $\chi^2=3,548$ ; p=0,170											
Умумий сони	93	40,79±3,25		82	35,96±3,18		53	23,25±2,80		228	100,0	
P	Пирсон $\chi^2=13,447$ ; p=0,001											

Травматик бўлмаган (фалаж) этиологияли ЎТГни ривожланишида бирламчи шикастланиши жойлашганини кўриниши


Конвекситал-базал



Конвекситал



Базал



Конвекситал-базал



Конвекситал

